O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**Байрамингиз муборак, азиз аёллар!**

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Посбон

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

ИИВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 27 — 29 (3105—3107) 1998 йил 6 март, жума Баҳоси эркин нархда

## БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Республикамиз ички ишлар идораларининг турли соҳаларида ишлаб, эл-юрт осойишталигини ҳимоя қилишдек юксак вазифани зиммаларига олган азиз опа-сингилларимизни, фахрий аёлларимизни кириб келаётган муборак байрам — Халқаро хотин-қизлар куни билан республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати, раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан самимий муборакбод этаман.*

*Оила йилида кутиб олаётганимиз ушбу нафосат айёми арафасида мунис аёлларимизга оилавий бахт, фароғатли умр, фарзандларимиз камоли ва юртимиз истиқболи йўлидаги ҳам саодатли, ҳам масъулиятли ишларида ривож ва муваффақиятлар тилайман.*

*Хонадонингиздан, юртимиздан ҳеч қачон файз-барака аримасин!*

***З. АЛМАТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,***
***ички хизмат генерал-полковниги.***



*Феруза Пўлатова ва Галина Аҳмедоваларни ИИВ Академиясининг катта жамоасида яхши билишади. Улар билим даргоҳининг котибиятида хизмат қилишади. Ўз ишининг билимдони, саранжом-саришта аёллар иш юритиш, ҳужжатлар ҳаракатини рисоладагидек олиб бораётганлари учун ҳам жамоа ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.*

*Миннатдорчилик*

## ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ!

Мен Ғаллаорол шаҳрида яшайман. 7 февраль куни кечаси қариндошимникидан уйга қайтаётгандим. Шунда кўчанинг қоронғи жойида кимдир келиб бошимга зарб билан урди. Зарбдан ўзимни тутолмай қолдим. Улар бир неча киши эди шекилли, чопонимнинг ўнгирини қайиришиб, бошимни ўраб олишди. Телпагим, туфлим ва чўнтагимдаги бор пулимни тортиб олишди. Ёлборишимга қарамай шафқатсизларча тепиб ташлашди. Ҳолсизланиб ўзимни билмай қолдим.

Ўзимга келсам, касалхонада ётибман. Мени бу ерга милиция ходимлари олиб келишган экан. Билишимча, кўп вақт ўтмай жиноятчиларни қўлга олишибди, менинг кийимим ва пулимни улардан топишибди. Осойишталик посбонларининг борига шукр, жоним омон қолди.

Менга ўз вақтида ёрдам кўрсатган милиция майори Ҳ. Маманазаров, милиция капитани Ҳ. Юсупов ва милиция лейтенанти Б. Номозовларга чексиз миннатдорчилик билдираман.

**Санақул ТОШБОЕВ.**

* * *

**Олов-тилсиз ёв, деб бежиз айтишмас экан. Яқинда Жиззах шаҳрининг «Заргарлик» маҳалласидаги кўп қаватли уйда хонадонда ёнғин содир бўлди. Бу пайтда мен ишда эдим. Мусибат тўғрисида хабарни айтишганда аҳволимни билсангиз эди. Чунки уйда етти ёшли ўғлим Сардор қолганди. Қандай етиб борганимни билмайман. Ўт ўчирувчилар қуршовида кўзлари жовдираб турган ўғлимни кўрганимдан сўнггина ўзимга келдим. Уни бағримга босдим.**

**Фарзандимни Жиззах шаҳар Мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмидан ички хизмат катта лейтенанти Ҳамза Расулов, ички хизмат прапоршчиги Маҳмуд Эрматов ва ички хизмат сержанти Тоҳир Ҳайдаровлар олов комидан олиб чиқиб, унинг ҳаётини асраб қолишганлигини суриштириб билдим. Мен улардан самимий миннатдорман.**

**Гулбаҳор ИСОМИДДИНОВА.**

## УНИВЕРСИТЕТДА УЧРАШУВ

**Самарқанд вилояти ИИБ раҳбариятининг Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети талабалари, ўқитувчи-профессорлари билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Учрашувни университет ректори Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ж. С. Сатторов очиб, мустақил юртимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса олий ўқув юртларининг талабалари, ўқитувчилари ҳуқуқий билим савиясини ўстириб бориш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Вилоят Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Тельман Муродхўжаев «Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш демократик давлат қуриш талабидир» мавзуида маъруза қилди.

Ҳар бир давлатнинг мустаҳкам бўлиши, тараққий этиши, тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлиши учун аввалабмбор оилаларимиз мустаҳкам бўлиши керак, дея таъкидлади маърузачи. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Бошқарма бошлиғи ўтган йили ва жорий йилнинг икки ойи давомида вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Сир эмас кейинги йилларда олий ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари томонидан ҳам айрим жиноятлар содир этиляпти. Эртанги кунимизнинг келажаги бўлган ёшларнинг ножўя ҳаракатларига бефарқ қарашнинг ўзи кечириб бўлмас хатолик. Университет муаллимлар жамоаси асосий эътиборни ёшлар тарбиясига ҳам қаратишлари лозим.

Учрашувда иштирок этган талабалар, ўқитувчи, профессорлар томонидан берилган саволларга бошқарма раҳбарияти ходимлари атрофлича жавоб бердилар.

**С. ЗОҲИДОВ,**
**милиция майори.**

*Мактублар — дил изҳори*

# «ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!..»

Мустақил юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти, турмушимизнинг барча қатламларида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Кечаётган бу жараёнлар кундалик нашрларда ўз аксини топиб бормоқдаки, бугунги кунда ҳаётимизни газетасиз тасаввур этиб бўлмайди. Таҳририятимизга келаётган мактубларни кўздан кечирар эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилаяпмиз.

«Ҳурматли таҳририят!..» деб бошланади хатларнинг аксарияти. Улар мазмуни, моҳияти ва кўтарилаётган масалалар жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Бирида ички ишлар идораларида хизмат бурчини сидқидилдан ўтаётган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилинса, бошқасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган тадбирлар хусусида сўз юритилади. Яна бирида бир кимсанинг ножўя хатти-ҳаракати туфайли оилага етказилган маънавий зарар тилга олинади. Бир сўз билан айтганда, таҳририятимизга келаётган мактублар орқали милиция соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар ва турли воқеаларни билиб олиш мумкин. Қувончли томони, ушбу хатлардан имкони борича газета саҳифаларини тайёрлашда фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

«Истеъфодаги милиция майори Мадина опа Эшмуродова нафақада бўлишларига қарамай, ҳамон эл хизматидалар, — деб ёзади сурхондарёлик Тилов Нурқобилов ўзининг «Жамоатчи аёл» деб номланган мақоласида. — У киши илгари вилоят ИИБ паспорт тизимида баракали меҳнат қилган. Айни пайтда Денов шаҳар ИИБ хотин-қизлар қўмитаси аъзоси сифатида фидойилик кўрсатаяпти. «Жасорат» медали соҳибаси бўлган бу онахон дилкаш ва меҳрибонлиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор».

Фарғоналик жамоатчи мухбир Маърифат Ғаниева 3-даражали ҳуқуқшунос Баҳромжон Исоқовнинг фаолияти ҳақида мактуб йўллаган. Маълум бўлишича, у Бешариқ тумани прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаяпти. Адолат унинг таянчи. Камтарин, самимий ва меҳнаткаш бу йигит ҳар битта жиноий ишни адолат тарозоси, қонун мезони билан ўлчайди.

«Хизматингиз — эъзозда!». Андижон вилояти ИИБ ДАН ҳаётидан ёритилган мақола ана шундай номланган. Милиция майори М. Эрахматов давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автоаварияларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритади. Муаллифнинг таъкидлашича, вилоятда ўтказилаётган «Йўлчироқ», «Диққат, пиёда!», «Диққат, темир йўл кесишмаси!» каби тадбирлар ўтказиб турилиши ўз самарасини бермоқда.

Шунга ўхшаш қўлимизда ички ишлар идоралари турли хизматлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар, эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган посбонларимиз ҳақида ҳикоя қилинган мақолалар талайгина. Мисол тариқасида шулардан бир нечтасини келтириб ўтишимиз мумкин. Жамоатчи мухбир Ж. Матмусаева Олтинкўл тумани ИИБ катта участка вакили, милиция катта лейтенанти Д. Рўзматовнинг иш тажрибаси, Б. Донаева Денов шаҳар қўриқлаш бўлими ҳаётидан лавҳа, қорақалпоғистонлик Д. Худойшукуров Беруний тумани милицияси фидойилари, милиция подполковниги Ш. Убайдуллаев эса Самарқанд вилоятида ўтказилган «Тозалаш» тадбири натижалари ҳақида ёзиб юборишган. Афсуски, баъзи жузъий камчиликлари борлиги сабабли фойдаланишнинг имконияти бўлмади.

Газетанинг ҳар бир сони муштарийларимиз томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳаза, таклиф ва истаклар асосида тайёрланаётгани учун ўқимишли бўлиб чиқаяпти. Буни «Миннатдорчилик», «Синган пиёла», «Ё, алҳазар!» каби қатор рукнлар остида ёритилаётган мақолалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

«Газетани интизорлик билан кутадиган бўлиб қолдим. Айниқса, шу йилдан ташкил этилган «Muqaddas dargoh» саҳифаси оилаларимизда рўй бераётган воқеалар ва муаммоларни изчил ёритиб боришга ўз улушини қўшаяпти. Жамоага раҳмат!

**Ҳурмат билан Феруза Рўзиева,**
**Тошкент вилояти,**
**Паркент тумани».**

* * *

«Постда» газетасида ёритилаётган мақолалар одамни мулоҳаза юритишга ундайди, баҳсга чорлайди, баъзилари чуқур ўйга толдиради. Мен кўпроқ «Сўраган эдингиз...» рукни остида берилаётган ҳуқуқшунос маслаҳатлари билан танишиб бораяпман, савол-жавоблар қонунларимизни яхши билиб олишимга ёрдам бераяпти.

**Нигора Нурматова,**
**Оққўрғон тумани, Алимкент қўрғони».**

* * *

«Мен бошқотирмаларнинг мухлисиман. Кроссворд, криптограмма, чайнворд, циклокроссворд каби топқирлик машқлари бўш вақтим мазмунли ўтишига яқиндан ёрдам бермоқда.

**Гулираъно Мусаева,**
**Марғилон шаҳри».**

Муштарийларимиз мактубларидан олинган бундай сатрларни яна келтиришимиз мумкин. Улар газетамизнинг ҳар бир сонини илҳақлик билан кутишаётгани, чоп этилаётган мақолаларга бефарқ эмасликлари ва ўзларини қизиқтирган мавзулари борлиги бизни қувонтирди.

Таҳририятимизга, шунингдек, тошкентлик А. Ҳудоятхонова, С. Аҳмедова, М. Хўжаева, М. Аминова, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси М. Азимов, Самарқанд шаҳар ИИБдан милиция майори А. Ғуломов, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридан Т. Худойназаров, қашқадарёлик Д. Соатова, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани прокурорининг ёрдамчиси У. Оймирзаева, Самарқанд вилояти ИИБ Котибият бўлими навбатчи котибаси Н. Ҳамидова, жиззахлик Ж. Қаюмов, хоразмлик К. Бобожонов, Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳридан Пирматовлар оиласи, Семашко номидаги илмий-тадқиқот институти шифокори М. Нуржонова, Сирғали туманидаги 300-лицей ўқувчиси Х. Абдужабборова ва бошқалардан ҳам турли мазмундаги хат-хабарларни олдик. Баъзи сабабларга кўра ушбу мақолалар газета саҳифаларида ёритилмагани учун узр сўраб, улардан пишиқ-пухта материаллар кутиб қоламиз.

**Мукаррам ЁҚУБОВА,**
**«Постда» — «На посту» газеталари хатлар бўлими мудири.**

*Ўқинг, қизиқ!*

## ҒАРОЙИБ ТАШРИФ

Битта зинапоя майдончасида икки қўшни яшар эди. Уларнинг икковида ҳам ит бор эди. Одамлар ўзларича, итлар ўзларича дўст эдилар. Кейин қўшнилардан бири янги кварталдан уй олди ва кўчиб кетди.

Аммо бир куни кўчиб кетган қўшни ишдан қайтиб эшик тагида бетоқат ғиншиб турган собиқ қўшнисининг итини кўрди. Итни ичкарига киритди. Иккала итнинг қувончларини тасвирлаш қийин эди. Улар бирга ўйнадилар, бир товоқдан овқатландилар... Кечқурун меҳмон итнинг орқа оёғига уларникида меҳмон бўлгани, икки дўст бирга еб-ичиб, суҳбатлашгани ва собиқ қўшнилар билан кўришишса хурсанд бўлишлари ҳақида хат боғлаб кўчага қўйиб юборди. Ит бутун шаҳарни кесиб ўтиб уйига қайтди ва яна кўп марта дўстиникида меҳмон бўлди.

Энг ажойиб жойи шуки, итни илгари ҳеч ким янги кварталдаги хонадонга олиб келмаганди, йўл эса жуда олис эди. Тумонат одам, транспорт, ҳидлар, уйлар оралаб дўстининг уйини қандай топди экан, номаълум.

**Ориф ФАРМОН тайёрлади.**

## КАПАЛАК — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Бу беҳуш (маст, карахт) қиладиган заҳар кока (баргидан кокаин олинадиган тропик бута) таркибида топилди. Перу ва Боливия чангалзорларида ўсувчи бу ўсимликнинг баргларидан паста тайёрлашади. Яширин лабораторияларда қайта ишлангандан сўнг, у Колумбияда какоин (алкалоид) кукунига айлантирилади.

Яқинда кокаиннинг ашаддий душмани борлиги аниқланди. Кокаин мафияси билан шуғулланувчи бошлиқлар плантацияларга ҳужум қилаётган тунги капалаклардан фойдаланмоқдалар. Капалаклар баднафс чигирткалардан фақат кока баргини танлаб озиқланишлари билан фарқ қиладилар.

Ҳашаротлар тўдаси 20 гектардан ортиқ яширинча экилган гиёҳвандларнинг анъанавий таянчи бўлган кока майдонини тозалаб қўйдилар.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**САВОЛ: Тарихий ёдгорликларга баъзи кимсалар ҳар хил сўзлар, исмларни ёзиб кетишганининг гувоҳи бўламиз. Уларга жазо борми?**

**Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

ЖАВОБ: Бундай ножўя хатти-ҳаракат қилган фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 132-моддасига биноан энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима солинади ёки 6 ойгача қамоқ жазоси тайинланади.

* * *

**САВОЛ: Транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ҳайдовчи тиббий текширувдан бўйин товласа, қандай чора кўрилади?**

**З. НОСИРХЎЖАЕВ,**
**Андижон вилояти.**

ЖАВОБ: Бу ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра жазо қўлланилади. Ушбу кодекснинг 136-моддасида тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаган ҳайдовчига энг кам иш ҳақининг 3 баробаригача миқдорда жарима солиниши айтиб ўтилган.

* * *

**САВОЛ: Ёшим 48 да, Уч фарзандим бор, меҳнат стажим 21 йил. Кексалик нафақасига чиқишим мумкинми?**

**М. ИБРОҲИМОВА.**
**Тошкент вилояти.**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг нафақа тўғрисидаги янги қонунига кўра, аёллар нафақага чиқиши учун ёши 50 га тўлган, иш стажи камида 15 йил, 5 ва ундан ортиқ фарзандни 8 ёшгача тарбиялаган бўлишлари зарур.

**З. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

## УЛАР БИЗНИ ЎЙЛАЙДИЛАР





Халқимизда яхши бир гап бор: тўйчилик бўлса, халққа сарфлайсиз, беморчилик бўлса, дардга сарфлайсиз. Беморчиликдан асрасин. Аммо иссиқ жон — дард дегани сўрамай кириб келаверади. Шукрки, оқ халатидек пок қалбли шифокорларимиз бор. Дардингизга шифо билан, қалбингизга меҳр билан боқадиlару оёққа турғазадилар.

Худди шундай дарё меҳрли шифокорлар Тошкент шаҳар ИИББ поликлинакисида ҳам кўплаб топилади ва улар ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзоларига муносиб хизмат курсатиб келмоқдалар.

— Ички ишлар идоралари ходимлари жисмонан соғлом бўлсалар, хизматлари доим олға босаверади, — дейди шифокор Г. Рўзиева. — Поликлиникамизда турли муолажалар олиш учун барча шароитлар муҳайё. Ходимларимиз ширинсухан. Беморлар соғлиги малакали мутахассисларимиз томонидан мунтазам текшириб борилади.

Биз барча опа-сингилларимиз қатори ушбу поликлиникада фаолият кўрсатиб келаётган жонфидо шифокор аёлларимизни яқинлашиб келаётган муборак айёмлари билан самимий муборакбод этиб, савобли ишларида омадлар тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратларда: поликлиника шифокори — врач-педиатр Гўзал Рўзиева қизалоқнинг саломатлигини текшириб кўрмоқда; биохимия лабораторияси лаборанти Дилбар Абдуғаффорова иш устида.**

**Аҳмаджон САПАРМАТОВ олган суратлар.**

